## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 2104-ҳадис

2104/6766 – عَنْ سَعْدٍ رَضِيَ الله عَنْهُ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ الله عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: «مَنِ ادَّعَى إِلَى غَيْرِ أَبِيهِ وَهْوَ يَعْلَمُ أَنَّهُ غَيْرُ أَبِيهِ، فَالْجَنَّةُ عَلَيْهِ حَرَامٌ».

2104/6766, 6767. Абу Усмондан ривоят қилинади:

«Саъд розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким отасидан бошқани отаси эмаслигини била туриб, отам деб даъво қилса, жаннат унга ҳаромдир!» деяётганларини эшитдим», деди.

Кейин буни Абу Бакрага айтган эдим, «Мен буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан икки қулоғим билан эшитганман, қалбим билан англаганман», деди».

---

Манба: hadis.islom.uz